Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

# Туркистон

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1996 йил 11 декабрь Чоршанба.
№ 90 (14388)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ФАРМОНИ

## БОЛАЛИ ОИЛАЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ – ҚУВВАТЛАШНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Болали оилаларга ижтимоий ёрдам аниқ берилишини кучайтириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги чора-тадбирларни рўёбга чиқаришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва масъулиятини ошириш мақсадида:

1. 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақаларни шундай нафақага муҳтож оилаларгагина бериш ва уни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тўлаш тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, маҳаллалар фуқаролар йиғинлари)нинг таклифлари қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 1997 йилнинг 1 январидан бошлаб болали оилаларга нафақалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, маҳаллалар фуқароларининг йиғинлари томонидан тайинланади ҳамда оилаларнинг шундай нафақага муҳтожлиги ҳисобга олинган ҳолда энг оз иш ҳақининг қуйидаги миқдорларида тўланади:
бир нафар болали оилаларга — 50 фоиз(нв)
икки нафар болали оилаларга — 100 фоиз(нв)
уч нафар болали оилаларга — 140 фоиз(нв)
тўрт нафар ва ундан кўпроқ болали оилаларга — 175 фоиз.

Болали оилаларга нафақа бериш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш чоғида ижтимоий адолат тамойилларига оғишмай риоя этиш, кенг ошкоралик ва очиқликни таъминлаш, ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишга эришиш мажбурий шартлар деб ҳисоблансин.

3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш барча органларида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган махсус жамғармалар ташкил қилинсин, уларнинг маблағлари болали муҳтож оилаларга нафақа тўлаш учун сарфлансин.

Шу мақсадда:

Ўзбекистон Республикасининг Халқ банки 1996 йилнинг 31 декабрига қадар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юридик шахс ҳуқуқи билан «Болалар нафақалари» махсус ҳисобварақлари (илова ҳисобварақлари)ни очсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1997 йилги бюджетни белгилаш чоғида ушбу нафақага муҳтож оилаларнинг ҳақиқий эхтиёжларини ҳисобга олган ҳолда болали оилаларга нафақалар тўлаш учун зарур маблағларни кўзда тутсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, корхоналар ва ташкилотлар, хайрия жамғармалари ҳамда тадбиркорлик тузилмалари мавжуд имкониятларга мувофиқ ўз маблағлари ҳисобидан болали оилаларга ҳар томонлама қўшимча ижтимоий ёрдам берсинлар.

5. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилиб, унда 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби ўрнатилишини кўзда тутсин.

6. Оммавий ахборот воситалари болали оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида тушунтириш ишларини фаол суратда олиб борсинлар, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти тўғрисида жамоатчиликни кенг кўламда хабардор қилиб турсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 4 мартдаги ПФ-1383-сон Фармони 1997 йилнинг 1 январидан ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 10 декабрь.

*«Камолот» янгиликлари*

## ЖАМҒАРМАЛАР ҲАМКОРЛИКНИ БОШЛАДИ

Тошкентда Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ва жаҳонга маълум Конрад Аденауэр жамғармалари ҳамкорликда «Ёшлар ва жамият» семинарини ўтказди.

«Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида ёшлар» деб номланган ушбу семинарда нуфузли халқаро ташкилот — Конрад Аденауэр жамғармасининг минтақамиздаги мухтор вакили жаноб Вольфганг Шрайбер ва семинар раҳбари С. Ғуломова табрик нутқи сўзладилар. Ҳар иккала нотиқ ҳам ўз сўзида ёшларда тадбиркорлик ҳамда ишбилармонлик кўникмаларини ҳосил қилиш, уларда мазкур соҳага оид тушунчаларни шакллантириш, иқтисодий билимларини чуқурлаштириш борасидаги вазифаларга тўхтаб ўтдилар.

Семинарнинг биринчи куни ёшлар тадбиркорлигининг мақсадлари, асосий вазифа ҳамда муаммоларни таҳлил қилишга бағишланди.

Семинар қатнашчилари «Налоговие и таможенние вести» газетаси бош муҳаррири Михаил Перпер, моделшунос-рассом Снежана Чухович, Олий муҳандислик педагогикаси институти доценти Маргарита Таутнинг кун тартибидаги мавзуга доир маъруза ҳамда маслаҳатларини тингладилар, «Илҳом» театр студияси Б. Брехт пьесаси асосида саҳналаштирилган «Мешчанлар никоҳи» спектаклини намойиш этдилар.

Семинарнинг иккинчи кунида унинг иштирокчилари «Тошкент» фонд биржасида бўлиб, қимматбаҳо қоғозлар бозорини ташкил этиш жараёни билан яқиндан танишдилар. Бу борада иштирокчиларга «Консаудитинформ» агентлиги бош директори Игорь Бутиков муфассал гапириб берди. Сўнгра профессор Д. Шаденинг «Ёшлар бозор иқтисоди асослари хусусида қандай билимларга эга бўлиши керак?», «Мадад» суғурта агентлиги бош директори биринчи ўринбосари Игорь Яковлевнинг «Кичик ҳамда ўрта бизнеснинг молиявий жиҳатлари» мавзуидаги маърузаларини тингладилар.

Семинарнинг ниҳоя қисмида «Экологик лойиҳалар аукцион»и ўтказилди ҳамда «Босқичлар» видеофильми томоша қилинди.

**Семинар сўнгида иккала жамғарма ўртасида ҳамкорликни давом эттириш, кенгроқ миқёсда ташкил қилиш юзасидан шартнома имзоланди. Шартномани Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси бошқаруви раиси Ҳ. Абдураимов ва Конрад Аденауэр жамғармасининг минтақамиздаги мухтор вакили жаноб Вольфганг Шрайбер имзоладилар** (суратда).




*11 декабрь — ЮНИСЕФ ташкил топган кун*

## БОЛА ДУНЁНИ ТЕБРАТАР

Ватанимиз мустақилликка эришганидан буён мамлакатимиз жаҳоннинг кўплаб нуфузли ташкилотларига аъзо бўлди.

Ана шундай ташкилотлардан бири ЮНИСЕФдир.

1994 йил 1 март куни республикамизда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ ваколатхонаси очилди.

Мазкур Халқаро жамғарма 1946 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг биринчи сессиясида ташкил этилган эди. Жамғарма дастлабки йиллари урушдан сўнг ночор аҳволда қолган Европа давлатлари ва Хитойдаги болалар учун озиқ-овқат, дори-дармон етказиб бериш билан машғул бўлди. 1950 йили эса Бош Ассамблея қарорига биноан, ЮНИСЕФ ривожланаётган мамлакатлардаги болаларга ёрдам кўрсата бошлади. Ер куррасидаги оналар ва болалар саломатлиги, ижтимоий ҳуқуқини муҳофаза қилиш борасидаги хизматлари учун 1965 йили ЮНИСЕФ ташкилоти халқаро Нобел мукофоти билан тақдирланди.

ЮНИСЕФ дунёнинг 140 мамлакатида оналар ва болалар саломатлиги, маориф, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш борасида изчил фаолият кўрсатмоқда. Таассуфки, жаҳон кун сайин тараққиёт сари юзланаётган бўлса-да, дунёнинг кўплаб мамлакатларида болалар аҳволи ҳамон аянчлидир. ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, ҳозирги пайтда ер шарининг беш ёшга тўлмаган 193 миллион боласи очликдан азоб чекмоқда, бу дунё болаларининг 34 фоизи демакдир. 130 миллион бола бошланғич таълим олиш имкониятига ҳам эга эмас. Ҳар йили қизамиқ, кўкйўтал, қоқшол, бўғма каби касалликлардан 2 миллион гўдак ҳаётдан кўз юмаётир. Бу аянчли аҳволга қарши курашни кучайтириш учун 1989 йили ЮНИСЕФ ташкилоти «Болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш» Конвенциясини ишлаб чиқди. Ҳозиргача Жаҳоннинг 150 давлати ушбу битимни имзолади. Ўзбекистон ҳам 1994 йили мазкур конвенцияга аъзо бўлди.

ЮНИСЕФнинг Ўзбекистонда олиб бораётган фаолияти асосини бир ёшгача бўлган болаларни турли хил юқумли касалликларга қарши эмлаш дастури ташкил этади. Ушбу дастур асосида 1994-1995 йиллари ЮНИСЕФ Ўзбекистонга 3 миллион АҚШ доллари миқдорида вакцина етказиб берди. Бундан ташқари, ташкилот ҳар хил касалликларга қарши дори-дармон етказиб бермоқда. Жумладан, оналар ўлимига сабаб бўлаётган камқонликнинг олдини олиш мақсадида йод танқислигини ҳал этиш юзасидан талай ишлар қилинаётир.

ЮНИСЕФ Ўзбекистон экология ва саломатлик халқаро жамғармаси — ЭКОСАН иштирокида «АСПЕРА» дастурини ишлаб чиқди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу дастурни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Дастур Оролбўйи ҳудудидаги оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш, овқатланиш, бошланғич таълимни мукаммаллаштириш, атроф-муҳит муҳофазаси, ичимлик суви таъминоти, санитария ва бошқа лойиҳаларни амалга оширишни кўзда тутади. Жумладан, у Оролбўйи ҳудудида аёллар ўлимини кескин камайтириш, бир ёшгача бўлган болаларни турли вакциналар билан эмлаш, болаларнинг пневмония, диарея касалликларига қарши курашни ўз ичига олади. «Аспера» дастури тўрт йилга мўлжалланган бўлиб, уни амалга ошириш учун 3,12 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланади.

Мустақил диёримиз, болажон ўзбек халқининг келажаги албатта бугунги оналар саломатлиги, гўдакларнинг соғлом камолга етишига боғлиқ.

ЮНИСЕФнинг Ўзбекистонда олиб бораётган фаолияти ҳар қандай таҳсинга лойиқ. Зеро, халқ қўшиғида айтилганидек, «бола дунёни тебратар».

**Улуғбек ДОЛИЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

*Ўзбекистон ва жаҳон*

*Саидкамол САИДНАЗИРХОНОВ:*

## «БУНДАЙ ИМКОНИЯТЛАР АВВАЛ ТУШГА ҲАМ КИРМАГАН»

- **Ёшлар — ишга марҳамат**
- **Яхши ишлаганлар учун...**
- **Сиз орзу қилган иш жой**

Республика Меҳнат вазирлигининг ташаббуси билан Жанубий Кореяда ишлаш хоҳишини билдирган йигит-қизлар учун эндиликда қулай имконият ва имтиёзлар керагича яратилди. Бундан буён ёшларимиз хорижда нафақат ишлаш, балки ўша ерда замонавий технологияни эгаллаш, малакаларини ошириш, дунёқарашларини кенгайтириш, қолаверса, даромад орттириш имкониятига эга бўладилар. Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш учун республика Меҳнат вазирлигининг Халқаро алоқалар бошқармаси бошлиғи Саидкомил САИДНАЗИРХОНОВга саволларимиз билан мурожаат қилдик.

***— Айтишларича, ҳаммани ҳам Жанубий Кореяга юборишмас экан. Махсус танлов бўйичами?..***

— Аввало бир нарсани тушунтириб қўйишга тўғри келади. Вазирлик Жанубий Корея билан тузган шартномасига кўра, ишлаш учун юборилаётган фуқаро ҳимоямизга олинган бўлиб, шу ишга тегишли бўлган барча сарф-харажатлар вазирлик зиммасидадир. Ваколатхона хизматлари (авиабилетлар сотиб олиш, Кореяга кириш визасини расмийлаштириш, кафолат пули тўлаш, кийим билан таъминлаш, махсус марказда ўқитиш, Сеулдаги бошқарув идорасини таъминлаш ва шунга ўхшаш барча сарф-харажатлар кейинроқ, ишчидан биринчи 4 ой мобайнида ундириб олинади. Ҳар хил миш-мишларга ишонмаслик керак. Агар бирон ноаниқликлар бўлса, ваколатхонага мурожаат қилишлари мумкин. Аммо мен алоҳида таъкидлашни хоҳлардим. Бундай шароитлар, имкониятлар аввал, собиқ тузум давримизда тушга ҳам кирмаган. Шуни тўғри тушуниб, бу имкониятларнинг қадрига етиб, ёшларимиз фақат ютадилар. Ўз имконият ва кучларини синаб кўрадилар, айни пайтда нималарга қодир эканликларини билиб оладилар. Жанубий Корея биз ҳозир кечираётган бозор иқтисодиёти давридан ўтган. Айни яратиш, халқ истеъмоли бозорини жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулотлар билан тўлдириш, қолаверса, жаҳон бозоридаги мавқеини кенгайтириш палласидадир. Ҳозирда Япония билан рақобатга киришган. Шундай мамлакатда ишлаш, яшаш, ҳаёт кечириш фақат орзу бўлиши мумкин. У ерда ишлаганингиз сари даромадингиз ошаверади. Бундай даромад ҳар бир соҳада, ҳар бир касб эгасида бор. Жанубий Корея шундай иқтисодий тизими билан гуркираяпти.

***— Ўтган йили Жанубий Кореяга ишлаш учун юборилган ҳамюртларимиз ҳақида гапириб берсангиз.***

— Ўтган йилнинг 7 март куни илк кузатувлар бошланган эди. Бу кузатувлар ҳаммамиз учун ўта ҳаяжонли кечганди. Ҳамюртларимиз ишончимизни оқлаша оладими, йўқми, деб истиҳолага боради-да, одам. Бироқ биз ўйлаганнинг акси бўлиб чиқди. Энг кам маош 350 доллардан 500-600 долларгача ҳам кўтарилди. Сабаби, ҳар бир иш берувчи корхона ишга ёлланувчига бера оладиган ишидан, тўлай оладиган ҳақидан келиб чиқиб маошлар тайин этди.

Ҳозирда Жанубий Кореянинг учта шаҳрига жойлашган 263 та корхонасида (тўқимачилик, машинасозлик, металлургия, мебел ва бошқа тармоқлари) жами 1600 ҳамюртимиз филиппин, ҳинд, хитой, бангладеш, сингапурлик фуқаролар билан елкама-елка туриб, меҳнат қилишмоқда. Меҳнат вазирлиги Кореянинг кичик ва ўрта бизнес Федерацияси, Савдо ва саноат вазирлиги, Корея Республикасининг Меҳнат вазирлиги ҳамда Корея Халқаро КИТКО — қайта ўқитиш корпорацияси билан мустаҳкам алоқалар боғлаган. (КИТКО — хориж ишчи кучлари учун бўш иш ўринлари яратади ва назорат қилади).

Бу йилги, яъни 1996—1997 йил учун КИТКО ўзбекистонлик ёшлар учун 3000 бўш иш ўрни яратиб, қабул қилиб олишга ҳозирлик кўрмоқда. Шундан 1600 таси шу кунгача яратилиб бўлган иш ўринларидир. Дарвоқе, Жанубий Кореяда Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазирлигининг барча муаммолар билан шуғулланувчи ваколатхонаси ҳам бор (пайдо бўлган муаммоларни ҳал этади).

***— Республика Меҳнат вазирлиги ҳам ўз навбатида кўзлаган мақсадига эришаяптими?***

— Режаларимиз бажарилишидан кўнглимиз тўқ. Республика ёшларини иш билан таъминлаш, уларга замонавий технологияни ўргатиш, малакасини ошириш, қолаверса, хусусий кичик ва ўрта корхоналарда ишлашга кўникма ҳосил қилиш, маош билан таъминлаш, мукофот, рағбатлантириш каби умумий режаларда яхши кўрсаткичларга эришаяпмиз. Муҳими, ёшларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик қирраларини шакллантиришга туртки бераяпмиз.

Алоҳида таъкидлашни истардим, ёшларимиз Жанубий Кореянинг бозор иқтисодиёти ва унинг шароитларига 3-4 ойдаёқ тўла мослашиб олмоқдалар. Бунинг устига иш берувчилар бошқа миллатларга қараганда бизнинг ёшларга, ўзбекларга алоҳида ҳурмат ва эътибор билан қарамоқда. Кўпчилик қисмига келаси йил учун шартнома тузиш таклифини беришмоқда. Ҳозирда 200 нафардан ортиқ фуқаромиз келаси йил учун шартномалар имзолаган, айни пайтда иккинчи йил учун меҳнат қилишмоқда. Яъни, 1995 йил март-апрел ойларида юборилган ёшларимиз орасидан қолган қисми (шартнома муддатини чўзган фуқаролар) 1997 йилнинг март-апрел ойларида Ватанга қайтадилар.

***— Жанубий Кореяда ишлаш иштиёқида бўлган ёшларга қандай талаблар қўйилган?***

— Номзодларга қуйидаги талаблар бор: ёши 20 дан 40 ёшгача бўлиши, бўйи: эркаклар — 160-190 сантиметр, аёллар — 150-185 сантиметр, кўриш даражаси 0,7 дан юқори бўлиши (дальтоник бўлмаслиги), маълумоти: тўлиқсиз ўрта, ўрта, ўрта-махсус, жисмонан соғлом бўлиши, Кореяда иш тажрибасига эга бўлмаслиги лозим.

***— Контрактнинг асосий шартлари нималардан иборат?***

— Асосий иш вақти ҳафтасига 44 соат (душанбадан жумагача — кунига 8 соатдан ва шанба куни — 4 соат), асосий маош: 360 АҚШ доллари миқдорида (Кореядаги минимал ойликка тенг), Корея вонининг АҚШ долларига нисбатан курсига қараб ўзгариши мумкин. Қўшимча иш соатлари учун асосий маошнинг 150 фоиз миқдорида ҳақ тўланади. Ишчилар бепул ётоқхона ва уч маҳал овқат билан таъминланадилар. Байрам кунлари Корея Республикаси қонунларига биноан белгиланади. (Тиббий суғурта тенг миқдорда ишчи ва иш берувчи томонидан таъмин этилади). Номзод малакасиз бўлиши керак.

***— Талабгор қандай ҳужжатларни тайёрлаши керак?***

— Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти (чиқиш визаси билан), номзод ва унинг қариндошлари ҳақида маълумотлар кўрсатилган анкета ва таржимаи ҳол, соғлиғи ва ишга лаёқатлилиги тўғрисида тиббий маълумотнома, СПИД бўйича сертификат, гепатит билан бетоб эмаслиги ҳақида маълумотнома, психиатрик ва наркологик диспансерлардан маълумотнома, ишчи томонидан контракт шартлари бузилган ҳолатда Ваколатхонанинг ҳужжатларни расмийлаштириш, ўқитиш ҳамда чет элга жўнатиш бўйича ҳужжатларини тўла қоплаш хусусидаги номзод ва яқин қариндошларининг ёзма мажбурияти (мажбурият турар жойидаги маҳаллий бошқарув органи томонидан тасдиқланган бўлиши лозим), охирги иш жойидан тавсифнома, турар жойидаги меҳнат биржаси ва маҳаллий бошқарув органининг тавсияномалари, паспорт, ҳарбий билет ва меҳнат дафтарчасининг нусхалари, 4х5 сантиметр ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

***— Эшитишимизча, аёлларга ҳам иш бор эмиш. Улар қандай ишлар?***

— Юқорида таъкидлаганим, Жанубий Кореянинг учта шаҳрида жойлашган 263 та корхонада (кичик ва ўрта, қўшма ва жамоа корхоналар, кўпчилик қисми хусусийдир) яратилган иш жойларининг ҳаммаси ҳам эркакларга мўлжалланган эмас. Қадоқлаш, ўраш, назорат қилиш ва шунга ўхшаш эркакларга хос бўлмаган енгил ишлар ҳам бор. Табиийки, аёллар ўзига хос енгил ва ботартиб иш жойлари учун ҳаво ва сувдек зарур. Яна бир гапни эслатишни истардим. Жанубий Кореяга биз танлов асосида ишга қабул қилаётганимиз йўқ. Фуқароларнинг ҳар бир тоифаси: ишда илғорми, ишчанми, бироз қолоқроқми, фарқи йўқ. Қайтанга: ишламасдан ҳам маош олиш мумкин, деган қотиб қолган фикрда юрганларнинг кўзлари мошдай очилса, ажаб эмас. Ҳозирча шундай имкониятлар мавжуд экан, фойдаланинг.

**Зоир ТУРСУНОВ.**

*БОНГ*

## ЁҚИМЛИ ИШТАҲАНИНГ ЁМОН ОҚИБАТИ

**Муддати ўтган озиқ-овқат маҳсулотлари хусусида**

**Айтайлик, сиз фарзандингизни етаклаб кўчага чиқдингиз. Табиийки, фарзандингиз ширинликлар, жимжимадор қоғозларга ўралган сақичу, шоколадларни кўргач, харҳаша қила бошлайди. Бола-болада, унинг кўнглига қарамаслик бўлмайди. Аммо, бу маҳсулотларнинг сақлаш муддатига эътибор бериш ҳамманинг хаёлига ҳам келавермайди. Одатда, бундай муддати ўтиб кетган маҳсулотлар турли касалликларни келтириб чиқаради.**

Шу ва шунга ўхшаган ёмон оқибатларнинг олдини олиш мақсадида куни кеча Юнусобод тумани назорат инспекцияси, прокуратураси, солиқ инспекцияси, Санитар Назорат станцияси, молия бўлими, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси вакилларидан иборат гуруҳи навбатдаги рейдини ўтказдилар.

Назорат комиссияси вакиллари туман ҳудудидаги савдо марказларида хориждан келтирилган молларнинг сифати, уларнинг сақланиши, шунингдек, тамаки ва спиртли ичимликларнинг акциз маркалаштирилганлиги, мувофиқлик сертификати, харидорларга сотилиши каби масалаларни атрофлича ўргандилар.

Шу куни тумандаги 15 га яқин савдо тармоқлари назоратдан ўтказилди ва Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотларни сертификатлаштириш», «Харидорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш» қонунларининг бажарилиши бўйича 181 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари кўриб чиқилди ва 62 хил маҳсулотнинг қонунга хилоф равишда сотилаётганлиги аниқланди.

Уларни 80 фоизидагина сифат сертификатларининг кўчирилган нусхалари бор, холос. Ушбу нусхаларда асл нусха эгалари томонидан сертификатларнинг ҳақиқийлигини тасдиқловчи муҳрлар йўқлиги маълум бўлди.

Шунингдек, кўриб чиқилган «Фаррух», «Бодомзор», «Саму-Бахт», «Анҳор», «Нугмат», «Чп-Сампи», «Мирзо-Ғолиб» хусусий корхоналарида чет элдан келтирилган маҳсулотларнинг сифатини кўрсатувчи сертификатлар умуман йўқлиги ҳам аниқланди. «Фаррух» тижорат дўконида 6 хил (5 килограмм, 200 грамм), «Нуъмонжон» хусусий корхоналарида 4 хил (3 килограмм, 500 грамм) жами 8 килограмм 700 грамм хориждан келтирилган маҳсулотларни сақланиш муддати ўтган бўлиб, бу маҳсулотлар савдодан олинди.

«Баракат КО ЛТД» хорижий фирмасининг дўконида 27 хилдаги маҳсулотлар бўлиб, уларнинг барчасига Ўздавстандарт ва «МЕМ» экспертиза маркази томонидан мувофиқлик сертификати берилган. Лекин назорат комиссияси вакиллари дўконда ва омборхонада текширув ўтказишганида маҳсулотлар талаб даражасида сақланмаётганлигини аниқладилар. Уларни ёғоч поддонсиз, нам ерга тахланиши, омборхонада ҳавони айланиши кўзда тутилмаганлиги, иситиш ва совутиш қурилмаларининг ишлатилмаслиги ва натижада маҳсулот сифатининг бузилишига сабаб бўлаётганлиги аниқланди.

«Ория» хусусий тижорат дўкони кўздан кечирилганда эса 20 хилдан кўпроқ хориждан келтирилган маҳсулотлар сертификатсиз сотилаётганлиги аниқланди.

Бу маҳсулотлар йўқ қилиш учун дўкон мудири Д. Шодибеков жавобгарлигида туман СНСига топширилди.

«Ёнариқ» жамоа корхонасига қарашли дўконда хориждан келтирилган 100 граммлик 12 дона шоколад ва 400 граммдан 15 банка шоколад қиёмининг ишлатиш муддати ўтганлиги аниқланиб, дўкон мудири У.Усмонов огоҳлантирилди.

Бундай камчиликларга йўл қўйилишига сабаб кўпроқ савдо ходимлари ва раҳбарларининг «Маҳсулотларни сертификатлаштириш» ва «Харидорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш» қонунларини яхши билмасликлари оқибатидадир. Назорат комиссияси вакиллари юқорида қайд этилган камчиликларни атрофлича ўрганиб, уларга тушунтириш ишларини олиб бордилар. Ўйлаймизки, бундай саъй-ҳаракатлар ўз натижасини беради.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилаётган харидорлар биринчи навбатда маҳсулот сифатига эътибор бериш кераклигини ёдда тутсалар фойдадан холи бўлмас ва турли-туман ёмон оқибатларга дуч келмаган бўлардилар.

**Р. САЛИМОВ,**
**Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокими муовини, назорат инспекцияси бошлиғи**
**А. БОБОЕВ, «Туркистон» мухбири**

*Қорақалпоғистон томонларда*

### НАФИС ДАРСЛАР ДОРИЛФУНУНИ

Республика маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази Қорақалпоғистон бўлими ҳузурида иш бошлаган дорилфунунда бозор иқтисоди ҳамда миллий мафкурага оид нафис дарслар ўтилмоқда. Жамоатчилик асосидаги бу таълим масканида Оролбўйи диёрининг етук олимлари мумтоз суҳбатлар уюштирмоқдалар, тингловчиларга малакали маърузаларни ҳавола қилмоқдалар.

### ХОНАНДАНИНГ ДОВРУҒИ

Улуғ ҳофиз, атоқли хонандалар овози, ўлмас мероси ҳудуд, чегара билмайди. Халқ артисти, қорақалпоқ булбули Ойимхон Шомуротова ҳақида айнан шундай дейиш мумкин.

Қорақалпоғистон жамоатчилиги қўшиқлари тилдан тилга, элдан элга кўчиб юрган хонанда ва улкан актриса таваллудининг 80 йиллигига ҳозирлик кўрмоқда.

### ЎЗ НОМИНИ ОҚЛАЙДИ

Тўрткўл туманидаги «Уллубоғ» (маҳаллий шевада «Каттабоғ») фермерлар уюшмаси ўз номини оқлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Хўжаликнинг номи бу ерда шоир ва ҳукмдор Муҳаммад Раҳимхон — Феруз ташкил этган улкан боғ номидан олинган.

Қишлоқ аҳли ўша қадимий боғ ёнидан 24 гектарлик янги боғ барпо этдилар. Шунингдек, ҳашар йўли билан маҳалла гузари биноси ҳам тикланди.

### НУКУСГА «ЯШИЛ БЕЛБОҒ» БОҒЛАНАДИ

Яқин истиқболда амалга ошириладиган бу ишнинг ташаббускорларидан бири Қорақалпоғистон пойтахтининг фахрий фуқароси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатимиздаги вакили Холид Малик жанобларидир. БМТнинг ваколатхонаси бу ишга бош қўшибгина қўймай, савобли тадбирнинг ибтидоси учун 5 миллион сўм маблағ ҳам ажратиб берди.

17 километрлик бу «яшил белбоғ» Нукуснинг саҳро томонга қараган ҳудуди, Аччиқкўл тарафда боғланиб, деярлик 600 минг туп турли дарахтлардан иборат бўлади.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Туркистон» мухбири.**

*Бахтимиз қомуси*

# ИСТИҚЛОЛИМИЗ ДАСТУРИ

Конституциямиз қабул қилинганига тўрт йил тўлди. Мустақилликка мушарраф бўлган халқимиз нурли истиқбол сари дадил ва жадал одимлашига нурафшон йўл очиб берди. Давлатимизнинг эртасини яқинлаштиришимиз учун ҳар биримизга муносиб имкониятлар яратиб берди. Тақдиримизни ҳал этиш ўзимизга боғлиқ. Чунки Асосий Қомусимизда инсон шахси ва жамиятимизнинг ҳуқуқий манфаатлари, давлат ҳокимияти тузилиши, идоралар фаолиятини ташкил қилишларнинг мезоний қоидалари чуқур мазмун билан ифода этиб берилган. Конституцияга мувофиқ ҳар ким эркинлик ва шахсий даҳлсизлигини бутун вужуди билан ҳис қилмоқда.

Конституциямизни ўтган тўрт йил давомида халқ онгига сингиб кетишида, унинг жаҳондаги ривожланган мамлакатлар ўртасида ҳам обрў-эътибор қозонишида инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва қонунийликни ҳурматлаш, халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган қоидаларини тан олиш Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий жамият барпо этиш ва ниҳоят фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни кафолатлаш каби олижаноб мақсадлар ниҳоятда қўл келди.

Конституциямиз давлатни, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган қомуснома бўлиб, ҳозирги пайтда дадил одим этмоқда. «Шу маънода, — деб таъкидлайди юртбошимиз Ислом Каримов, — Асосий Қомусимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижоднинг маҳсулидир».

Ўтган қисқа давр мобайнида, республикамиз ҳаётида жамият тараққиёти ва давлат қурилишининг янги босқичга ўтиш даврини белгилаб берадиган тарихий воқеалар юз берди.

Бозор иқтисодиётимизнинг мустаҳкам асосларини яратишни, демократик ҳуқуқий давлат қуришни, қонунларнинг юксак ва мустаҳкам обрўга эга бўлишига эришмасдан туриб тасаввур қилиб бўлмаслигини республикамиз Президенти мустақиллик ва тараққиёт сиёсатининг негизи сифатида кўрсатиб берди. Қонун устиворлиги ҳуқуқий давлат фаолиятининг энг муҳим шартидир. Чунки ҳуқуқий давлатда барча фуқаролар, жамоат бирлашмалари, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг фаолияти қонун асосида ва қонун билан ҳамнафас амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Асосий Қонунининг 15 ва 16 моддаларида Конституция ва Қонун устиворлиги мустаҳкамланган. Бу моддаларга кўра давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат ижтимоий зиддиятларни куч ишлатиш йўли билан эмас, балки ижтимоий муросага келиш йўли билан бартараф этиш воситаси сифатида таърифланган. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимиз Конституциясида фуқаролик жамияти, Конституция ва қонунларнинг устунлиги, фикрларнинг хилма-хиллиги, ҳокимиятни демократлаштириш каби умумдемократик ғоялар ва тартиботлардан кенг фойдаланилган.

Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади», сўзларини тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўймоқ керак. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти — давлатнинг учта асосий таянчи эканлигини ҳар бир фуқаро бир дақиқага бўлса-да, унутмаслиги лозим.

Адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, мардлик каби улуғ инсоний фазилатлар халқимиз учун ўзига хос хусусиятдир. Албатта, давлатимиз асосий Қомусини ишлаб чиқишга халқимизнинг ушбу ҳислатлари етакчи мезон бўлганлиги шубҳасиздир.

Меҳр-оқибат, одамийлик, ўзга миллат ва элатларга нисбатан ҳурмат, илму-фанга интилиш, ор-номус, иффат ва ибо каби эзгу фазилатлар шу муқаддас Турон заминида яшаган ва яшаётган инсонлар учун хос хусусиятдирки, бу ердан дунё маданияти хазинасига беқиёс ҳисса қўшган илму-фан арбоблари етишиб чиққан. Атоқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов ўзбек халқининг Марказий Осиёдаги ўрни тўғрисида гапирар экан, бу фавқулодда ҳодисани қадимги Юнон — Рим маданиятини Европага кўрсатган таъсирига қиёслаган эди.

Президентимиз Ислом Каримов Асосий Қонунимиз ҳақида фахр билан гапирар экан, Конституциявий қоида—миллий истиқлол мафкурасини яратиш олдимизда турган ниҳоятда муҳим вазифалардан бири деб ҳисоблайди.

Давлатимиз ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асослари ҳам Конституцияда алоҳида боб билан мустаҳкамлаб қўйилган. Республикамиз ташқи сиёсати халқаро ҳуқуқий меъёрларга, Конституциявий тамойилларга амал қилган ҳолда ўз куч-қудратига, маънавиятига халқимиз салоҳиятига таянган ҳолда амалга оширилмоқда.

Конституцияда белгиланган иқтисодий, халқаро ижтимоий мазмундаги ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларига, ижро ҳокимияти органларига ва суд тузилишига оид қонунлар мажмуини оладиган бўлсак уларнинг ҳар бири жамиятимиз ҳаётининг зарур соҳасига бағишланганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Масалан, кучли ижро этувчи ҳокимият бўлмаса, жамиятда осойишталикни сақлаш иқтисодиётни, ижтимоий ва маънавий соҳани бошқариш ишлари мураккаб жараёнга айланиб қолиши турган гап. Бош Қомусимиз эса бундай масалаларни ҳал этишда ягона дастуриламал бўлиб қолиши шубҳасиздир.

Республикамиз Конституциясига асосан қонунчиликни такомиллаштириш борасида катта иш олиб борилаётганлигига қарамай, қонунлар тартибга солинишини талаб қилаётган бир қатор йўналишлар мавжуд. Ҳозирги кунда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича бизнинг олдимизда иккита энг муҳим вазифа турибди. Улардан бири, ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олувчи жаҳон андозаларига мос келувчи янги қонунларни яратиш ва қабул қилиш бўлса; иккинчиси, амалдаги барча қонунларни Конституцияга мувофиқлаштиришдир. Шу нарса қувончлики, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилингандан кейин Парламент томонидан қабул қилинган кўпчилик қонунлар асосий Қонуннинг руҳига мос келади.

Ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий шарти, нафақат янги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунларни ишлаб чиқиш балки қабул қилинган қонунларнинг ҳақиқатда амалда бўлиши билан боғлиқдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Бош Қомусимиз — янги Конституция ҳар биримиздан масъулиятни оширишимизни Конституциядаги барча мажмуаларни амалда татбиқ қилишни ёшларимизга пишиқ-пухта тарзда ўргата боришимизни тақозо этади. Негаки, ана шу қонун келажагимизни яратади, келгуси авлодларни дунё танишига, ўзини, ўзлигини билишига, қадриятлар, маданий меросни авайлаб-асрашга ўргатади ва ниҳоят мустаҳкам давлат қуришга жаҳон ҳамжамиятида ўзлигини намоён қилишига кафиллик беради.

**С. НОРХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси бўлимининг бошлиғи, адлия маслаҳатчиси.**

*Иқтисодиёт чорраҳаларида*

# «МИЛЛИЙ БАНК МИЛЛАТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ!»

**дейди Қорақалпоғистоннинг навқирон банкири, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки Қорақалпоғистон бўлими бошқарувчиси Ерназар АБДУҒАНИЕВ**

*Суҳбатдошимиз тўғрисида қисқача маълумот:*
*Ерназар АБДУҒАНИЕВ 1968 йили Нукус шаҳрида туғилган. 1990 йили Тошкент Политехника олийгоҳини қурилиш ихтисослиги бўйича битирган. Маълум муддат қурилиш ташкилотларида ишлаган. Бир йилдан буён Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки Қорақалпоғистон бўлимини бошқармоқда. Ўз она тилидан ташқари ўзбек, қозоқ, рус, инглиз тилларини билади. Малайзия давлатида малака ошириб қайтган. Тошкент молия олийгоҳида сиртдан ўқийди. Уйланмаган...*

**— Мустақилликка эришишимиз туфайли биз бир ижтимоий-иқтисодий тузумдан бутунлай янги, бошқача иқтисодий тамойилларга асосланган жамиятга ўтмоқдамиз. Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки ҳам истиқлол фарзанди-да. Шундайми?**

— Худди шундай! Банкимиз мамлакат мустақиллиги эълон қилинганидан 1 ҳафта кейин ҳурматли Президентимиз Фармони билан тузилди. У давлатимиз ва миллатимизнинг туб иқтисодий манфаатларига хизмат қилади. Мазкур банкнинг Қорақалпоғистон бўлими эса 1993 йилнинг март ойида очилди. Ўшандан бошлаб шу муассасада ишлаб келяпман.

**— Биласизми, Ерназар, бугунги кундаги банклар сонининг ортиб кетишини ҳар ким ҳар хил тушунмоқда. Бировлар буни ҳақиқий зарурат деб қабул қилса, бировлар «чўпон кўп бўлиши...» деган фикрга бормоқдалар!**

— Фикрингизни англадим. Аҳолининг айрим қатлами шу фикрга бориши бозор иқтисодининг ўзига хослигини ҳисобга олмасликдан келиб чиқади. Бу масалада кўпинча пул эмиссияси билан боғлиқ муаммоларни мисол қилишади. Ўтиш даврида молиявий муаммолар бўлиши турган гап. Аммо катта ҳамда кенг тармоқли банк тизимисиз бозор иқтисодиётига ўтиб бўлмайди. Бу икки карра икки тўртта тенг деганидай содда гап. Ихтисослашган банклар зарур. Фақат гап улар ишини юксак даражада ташкил этишдадир.

**— Келинг, Сиз ишлаётган банк фаолиятини олайлик. У ерда ўша Сиз таъкидлаган юқори савиядаги иш тарзи мавжудми?**

— Албатта, бу саволингизга молия экспертлари жавоб беришганда мақсадга мувофиқ бўлур эди. Шундай бўлса-да жавоб бераман. Эътиборга лойиқ жиҳати шуки, банкимиз биринчи қадамларидан бошлаб жаҳон банк тизимидан ўз ўрнини топишга ҳаракат қилмоқда. Айни кунда 180 дан ортиқ нуфузли банклар билан алоқа ўрнатганмиз. Улар орасида Олмониянинг «Дойче банк»и, «Берлинер банк»и, АҚШнинг «Сити банк»и, «Банк оф Нью-Йорк» ва бошқа нуфузли банклар бор. Биз ишимизни бугунги молиявий андозалар, замонавий тажрибалар асосида ташкил этишга ҳаракат қиляпмиз. Қорақалпоғистонда ҳам миллий банкимизнинг ўзига хос тизими вужудга келтирилади. 2 туманда бўлинмамиз бор. Йирик туманлардан яна бир нечасида ҳудудий бўлимлар очилади. Ҳозирги кунда миллий банк Қорақалпоғистон бўлимининг 800 га яқин мижози бор. Асосий мақсадимиз уларни халқаро молиявий муносабатларнинг мустаҳкам тизимига олиб кириш. Муштарийлар эътибори учун қайд қилишим мумкинки, 1993 йил апрелидан бошлаб миллий банкимиз Марказий Осиёда биринчи бўлиб, «ВИЗА-Интернейшнл» халқаро тизимига қўшилди. Бу муайян тўловларни 24 соат ичида сайёрамизнинг исталган нуқтасига етказиб бериш имконини яратди.





**БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ҲАР БИР ЖАБҲАЛАРИДА ЁШЛАРИМИЗ ҒАЙРАТ-ШИЖОАТ БИЛАН МЕҲНАТ ҚИЛМОҚДАЛАР.**

**ПОЙТАХТДАГИ «МАЛИКА» ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИДА ҲАМ ИШЧИЛАРНИНГ 50 ФОИЗДАН ОРТИҒИНИ ЁШЛАР ТАШКИЛ ҚИЛАДИ.**

**СУРАТДА: ИЛҒОР ИШЧИЛАР РАҲИМОВА НАЗИРА ВА БИЧИШ ЦЕХИ ХОДИМЛАРИ АЙТБОЕВА ОЗОДА, АЪЗАМОВА ГУЛБАҲОР.**

**Абдурасул ПАРДАЕВ олган сурат.**

**— Аҳолининг бир қисми, шу жумладан, ёшлардан бир бўлаги назарида хорижий валюта ўзгача қиймат касб этади. Бизнинг бош мақсадимиз миллий валютамизнинг қадрини мустаҳкамлашдан иборат эмасми?**

— Айнан шундай. Бозор иқтисодига асосланган ҳар қандай давлат ўз миллий валютасининг обрўси учун курашади. Ҳали Сиз таъкидлаган кайфият эса истеъмол бозорининг ҳолатидан келиб чиқади. Бизнинг саноатимиз энди жаҳон андозаларига яқинлашмоқда. Айниқса, электроника саноати бизда ҳозирча тараққий этмаган. Ёшлар эса кўпроқ шундай ашёларга қизиқади. Айни вақтда биз автомобилсозлик, енгил саноат билан бирга электроника тармоғини ҳам ривожлантирамиз. Энг муҳими миллий валютани мустаҳкамлаш учун жаҳон бозорига кўпроқ рақобатбардош маҳсулотлар, моллар чиқаришимиз шарт.

**— Мамлакатимизда мулкдорлар синфи шаклланмоқда. Улар орасида банкчилар касби алоҳида ўрин тутишига шубҳа йўқ. Сизнингча, чин маънодаги банк ходими қандай бўлиши керак?**

— У биринчи навбатда чуқур билимга, ҳақиқий молия ихтисосига эга бўлиши, ўз билимларини изчил мустаҳкамлаб бориши лозим. Шахсан менга келсак, молия олигоҳида сиртдан таҳсил кўрмоқдаман. Албатта, банк ходимлари орасида ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Масалан, миллий банкимиз ходимларининг ўртача ёши 30. Яқин истиқболда бу кўрсаткичнинг янада камайиши кутилмоқда. Бу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашим keракки, банк ходими энг аввало ватанпарвар, миллатпарвар бўлиши зарур. Сабаби миллий банк миллат манфаатларига хизмат қилади. Ҳар биримиз жонажон Ўзбекистонимизнинг Жаҳон Ҳамжамиятидан муҳим ўрнини топишини истаймиз. Бунинг учун эса жуда кўп ишларни бажариш даркор. Ана шу муҳим ишлардан бири молия тизимини ислоҳ қилишдир.

**— Банк ходимига аниқ фанлар, иқтисодий билимлар билан биргаликда маънавий-маърифий фазилатлар ҳам керак бўлар?**

— Керак бўлганда қандоқ! Банк ходими зийрак бўлиши, муомалада ҳушёр туриши, лаганбардорликни, хушомадни, таъмагирликни ажрата билиши шарт.

**— Мана, Сиз бутун бошли банкни бошқаряпсиз. Мабодо энг яқин қариндошингиз ё дўстингиз молиявий ишини ноқонуний равишда битиришни илтимос қилса, битирармидингиз?**

— Асло! Қариндош-уруғчилик ўз йўлига, давлат иши ўз йўлига. Менга шу масъулиятли лавозим ишонилган экан, уни суиистеъмол қилмаслигим лозим. Инсон қинғир иш қилмаслиги керак. Сабаби унинг миси қирқ йилдан кейин ҳам чиқади. Бугунги кунда ҳаммамиз бир мақсадга — мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қилайлик!

**«Туркистон» мухбири Янгибой ҚЎЧҚОРОВ суҳбатлашди**

*Ташаббус майдони*

# МУРАККАБЛИКДАН ОДДИЙЛИККА

**ёки бугунги солиқ тизими ҳақида айрим мулоҳазалар**

*Таҳририятимизда «Ташаббус майдони» рукни ташкил этилди. Унда сиз Республикамиз ҳаётидаги мавжуд барча ижтимоий, сиёсий, иқтисодий йўналишларга очиқ-ойдин ўз муносабатингизни билдиришингиз ва фикр, режаларингизни лутфан айтишингиз мумкин.*

*Янги рукнимизнинг илк муаллифи Абдурашид Раҳматов. ТошДД математика бўлимини тугатган. Сўнг институтда ўқитувчилик қилган. Айни пайтда тадбиркорлик билан шуғулланади. Биз унинг ҳамма фикрларини тўғри деган хулосадан мутлоқ йироқмиз.*

*Зеро, ҳақиқий демократик жамият барчамизнинг ўй-режаларимиз уйғунлашиб ягона бир тартибга киргандагина вужудга келади. Келажакка хизмат қилади.*

*Қуйида сиз Абдурашид РАҲМАТОВнинг бугунги солиқ тизими ҳақидаги мулоҳазалари билан танишасиз.*

Математикада, — деб бошлади суҳбатимизни Абдурашид ака, — ҳамиша мураккаб ва катта ифодалар соддалаштирилиши шарт. Ёки шахмат ўйинини олиб кўрайлик, унда ҳам қийин ҳолат, бироз соддалаштирилганда вазият ойдинлашади. Айнан шундай соддалаштиришни бугунги «ўтиш даври» деб аталаётган чигал иқтисодий тизимга ҳам тадбиқ этиш керак деб ўйлайман. Бугун ҳатто анча тажрибага эга бўлган иқтисодчи, ҳисобчи ҳам мавжуд ҳисоб-китоб назариясида, солиқ тизимидаги чигалликларда янглишиши ҳеч гап эмас. Бу нарса нафақат ҳисобчиларга, солиқ тўловчи фуқароларга ҳам тегишлидир. Қисқаси, солиқ тўловчи ҳар бир шахс ёки ташкилот, корхона дейликми «Кимга», «Қанча», «Нимага» эканлигини тўла англаб етмагунча ана шу тушунмовчиликлар давом этаверади.

**— Абдурашид ака, сиз таклиф қилмоқчи бўлган «янги солиқ тизими»га ўтиб қўя қолайлик.**

— Хўш, мен нима демоқчиман. Яъни мавжуд солиқ тизимига қандай ўзгартиришлар киритсак барчамиз учун қулай ва тушунарли бўлади.

Бунинг учун мамлакатимизда ишлаб турган ҳар қандай корхонадан унинг фаолияти турига қараб фақат битта ягона солиқ белгиланади. Қолган маблағ, уни қандай сарф қилиш корхонанинг ўз ихтиёрига қўйиб берилиши керак. Шу маблағ эвазига корхона ўз ишчиларига маош белгилайди (давлат солиғисиз) ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун маблағни ўз билганича сарф этади. Бундай эркинлик аввало корхонанинг ишлаб чиқаришини мустаҳкамлайди. Кейин корхона ҳақиқатда бугунги кунда фойда келтирадими ёки йўқми, бу масала ҳам ўз-ўзидан ойдинлашиб қолади. Мабодо у ўз-ўзини таъминлай олмадими, демак, у ишлаб чиқараётган маҳсулот бугунги кун талабига жавоб бермайди.

Шунингдек, яна бир муҳим томони, маълумки ҳар бир корхона ўз ишчиларининг фаолияти, уларнинг ишлаш қобилияти эвазига такомиллаша боради, шундай экан корхона ўз эркинлигидан келиб чиққан ҳолда фойда келтираётган ишчисини, яъни ўша такомиллашиш замирини ўз талаб даражасида рағбатлантириб бораверади. Демоқчиманки, ўша рағбатлантиришни давлат солиғисиз амалга оширади. Чунки корхона айнан шу ишчилари эвазига топган даромаддан солиқ тўлаб бўлди.

**— Абдурашид ака, келинг, шу масалани ўзингиз бошчилик қилаётган фирма миқёсида тушунтириб берсангиз.**

— Жонлироқ қилиб демоқчисиз-да.

**— Мен ҳам, муштарийларимизнинг кўпчилиги ҳам бу соҳада унчалик тажрибага эга эмас.**

— Хўш, дейлик олди-сотди билан шуғулланаётган оддий ташкилот. Шунда, биз назарда тутаётган ягона солиқ турига асосан ташкилот фойдасидан олинадиган солиқ 70 фоиз қилиб белгилансин (ана шу 70 фоизга барча солиқ турлари киради), қолган 30 фоизи шу ташкилот ихтиёрига эркин тарзда қолдирилади. Айнан шу 30 фоиз маблағдан ҳам маош тўланади, ҳам ташкилот учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратилади. Қисқаси, ташкилот иш фаолиятининг кейинги ривожи ана шу маблағга нисбатан масъуллигида бўлади. Тушунтира олдимми?

**— Англанга англадик, энди амалиётга, яъни уни қай тарзда амалга оширишга ўтсак.**

— Хўш, бунинг учун аввало давлат томонидан солиқ йиғадиган ягона счёт жорий қилиниб, бу ўз навбатида барча корхоналарга ва ташкилотларга маълум қилинади. Энди, корхона ўз маҳсулотини сотмоқда дейлик, шунда у харидорга иккита счёт беради. Биринчисида ягона солиқ учун жорий этилган ҳисоб рақами, иккинчисида эса корхонанинг ҳисоб рақами бўлади. Шу тарзда савдо амалга оширилади. Биринчисида белгиланган солиқ миқдори ҳеч чигалликсиз давлат ҳисобига тушади. Иккинчисида эса корхонанинг солиқсиз, хусусий маблағи ўз ҳисобига тушади. Ва энг асосийси, давлат ва корхона ораси очиқ бўлиб, ҳар қандай тушунмовчиликларга ўрин қолмайди. Яна бир аҳамиятли томони-солиқни харидор тўлайди, харидорда эса доимо етарли маблағ бўлади. Белгиланган маблағни қаерга ва кимга тўлаш унга барибир. Шу аснода харидор ўз-ўзидан давлат манфаати ҳимоячисига айланади. Кейин, ҳозирда ниҳоятда чигаллашиб кетган солиқ назоратининг иши анча енгиллашади. Қолаверса, ўзаро савдо қилаётган ташкилотлар бу ишни битириб қўя қолишади.

**— Демак, сизнинг таклифингизда биз мураккабликдан оддийликка қараб ҳаракат қилишимиз керак. Бу қандай янгиликларга ва қандай афзалликларга олиб келади?**

— Афзалликлар томони ҳақида биз юқорида ҳам айтиб ўтдик. Лекин шунда ҳам диққатга эътиборлиси, бу аснода иш олиб бориш ҳисоб-китоб ишларини ниҳоятда жўнлаштиради. Агар аҳамият берган бўлсангиз бизда ҳисоб-китоб ишлари ниҳоятда мураккаб. Сизга танишроқ бўлган бир мисол: корхонада 11-ой учун олинадиган маош солиғи чегирилишини кўриб ўтайлик; бунинг учун 10 ой мобайнида тўланган маблағ жамланиб, унга 11-ой суммаси қўшилади ва 11-ойликни умумий суммасидан солиқ чегирилади. Умумий солиқ суммасидан ўн ой ичидан тўланган солиқ айрилиб, қолган сумма охирги ойликдан ушлаб қолинади. Ва бу ҳолат ҳар ойда такрорланаверади. Кўриб турганингиздек бундай шароитда янглишиш ҳеч гап эмас. Қолаверса, масалани бундай мураккаблаштиришга асло ҳожат йўқ.

**Суҳбатдош: Абдумалик БОБОЕВ**

*Қанотли хабарлар*

## «КАМОЛОТ» — ҲОМИЙ

Ўзбекистон Ёшларининг «Камолот» жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими ёшлар ўртасида спортнинг бир қатор турлари бўйича ўтказилаётган мусобақаларга ҳомийлик қилмоқда.

Жумладан, волейбол бўйича шаҳар ҳамда туманлар ўртасида ҳудудий ўйинлар ўтказилмоқда. Манғит шаҳрида ўтказилган ана шундай беллашувда Беруний тумани командаси биринчи ўринни эгаллади.

## МЎЙНОҚДА — БОЛАЛАР ЛИЦЕЙИ

Собиқ портда — иқтидорли болалар лицейи фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда балиқчилар ҳамда бошқа касб эгаларининг 100 нафар фарзанди инглиз тили ва математикани чуқур ўрганмоқдалар.

Ким билади, дейсиз: балки, лицей парталарида XXI асрнинг берунийи, форобийи, замахшарийи ўтиргандир!

**(Ўз мухбиримиз)**

*Дунё ва биз*

# ТАНИШИНГ: «СУМИТОМО»

«Сумитомо Корпорейшн» — Япониянинг илғор универсал савдо фирмаларидан бири ҳисобланади. У кенг миқёсда фаолият олиб боради. Бундан ташқари у ички бозор савдоси, четга маҳсулот чиқариш ва четдан олиб келиш операциялари, молиявий масалалар ҳамда йирик лойиҳаларни сармоялаш каби соҳалар билан шуғулланади.

Фирма МДҲ давлатларида 10 ваколатхона очган. Шулардан бири Тошкентда жойлашган. Четга чиқариладиган маҳсулотлари мажмуини нефть ва газ саноати учун зарур бўлган пўлат қувурлар, енгил автомобиллар ва қурилиш машиналари, телеалоқавий қурилмалар, кимёвий моддалар ташкил этса, четдан олиб келинадиган маҳсулотлари жумласига кўмир, рангли металлар, пахта толаси, ёғоч моллари ва шунга ўхшаш маҳсулотлар киради.

— «Жаҳон» ахборот агентлигининг мухбир билан бўлган суҳбатда ана шу фирманинг Тошкентдаги ваколатхонаси бошлиғи жаноб Мицугу Томита Ўзбекистондаги фаолиятига тўхталиб, юртимизга улар томонидан нефть ва газ конлари учун зарур турли қувурлар келтирилишини таъкидлади. Бундан ташқари, ўтган йили иккала томон ўртасида бир қанча шартномалар имзоланиб, қилинажак саъй-ҳаракатлар учун 2 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилганлигини ҳам қайд этди.

«Фирмамиз», — деб гапида давом этди жаноб Томита, — «Ўзбекистон бозорларига «Sanyo» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилаётган бутун дунёга машҳур хўжалик молларини келтиряпти. Acer компанияси билан ҳамкорликда Финляндияда шахсий компьютерларни йиғувчи заводни қурдик. Унинг маҳсулотлари билан МДҲ давлатларининг бозорларини тўлдириш мўлжалланган. Республикангизга етук мутахассислар тайёрлашда ёрдам берамиз. Бу борадаги дастур кенг қамровга эга».

Шунингдек, фирма раҳбариятининг қарори билан тўрт йил ичида «Сумитомо Корпорейшн»нинг махсус стипендиялари бериб борилади. Бу йил Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетининг 5 талабаси ана шу стипендияга сазовор бўлди.

Ҳозир «Сумитомо Корпорейшн», ACER фирмалари ва «Ўзэлтехпром» ассоциацияси ҳамкорлигида Тошкентда шахсий компьютерларни йиғадиган қўшма корхона қурилиши тўғрисидаги лойиҳа устида иш олиб борияпти.

Ўзбекистон Бош вазирининг Японияга сафари ўзбек-япон муносабатларини янада мустаҳкамлайди. Ташриф давомида Ўзбекистон бош вазирининг «Сумитомо Корпорейшн» фирмаси раҳбарияти билан бўладиган учрашуви ҳам режалаштирилган. Учрашувдан кўзда тутилган асосий мақсад икки томонлама ҳамкорликка алоқадор масалалар тўғрисида маслаҳатлашишдан иборат.

# САКУРА ЎЗБЕК ЗАМИНИДА

«Якка-сарой» қабристони Тошкентдаги бошқа қабристонлардан ўзининг бир хусусияти билан фарқ қилади. У ҳам бўлса, у ерда дафн этилган турли миллатлар қатори япон ҳарбий асирларининг ҳам юзга яқин қабрлари бор. Бундай қабристонлар республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам мавжуд... Архив маълумотларига кўра, Иккинчи жаҳон уруши тугаганда Совет ҳукумати ихтиёрида асирга олинган 550 мингта яқин япон ҳарбий аскар ва зобитлари бор эди. Уларнинг 60 мингта яқини ўша вақтнинг ўзида озод этилиб, қолганлари эса Иттифоқ бўйлаб турли ҳарбий-саноат ва халқ хўжалиги объектларида ишлатиш учун жўнатилган. Мисол учун, ўша даврнинг бир ҳужжатида Иттифоқ миқёсидаги Ангрен кўмир конида фойдаланиш учун япон асирларининг 8 минг кишидан иборат биринчи партияси Тошкентга юборилгани хабар қилинган. Архив ҳужжатлари япон ҳарбий асирлари кучидан Тошкент, Андижон, Фарғона ва Бухоро вилоятларида ҳам фойдаланилганини кўрсатади. Тошкентнинг энг гўзал кошоналаридан бири — Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри биносининг яратилишида япон асирларининг хизматлари катталиги кўпчилик қариялар ёдида.

1995 йилда «Якка-сарой» қабристонида республикамизда вафот этган 819 япониялик хотираси учун ёдгорлик ўрнатилиши катта воқеа бўлди. Икки томоннинг аҳдлашувига кўра, бошқа қабристонларда ҳам ободонлаштириш ва хотира лавҳалари ўрнатиш каби тадбирлар амалга оширилмоқда.

Япон ва ўзбек халқларини яқиндан танишишларида, халқ дипломатиясининг амал қилишида Ўзбекистон Республикаси Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциацияси қошида ташкил этилган «Ўзбекистон — Япония» жамияти ҳамда «Фукусима — Ўзбекистон» маданий-иқтисодий ҳамкорлик ассоциациясининг роллари катта. Гарчи япон ассоциацияси 1979 йилда ташкил этилган бўлсада, бу жамият фаолияти кейинги йилларда янгича аҳамият касб этди.

Президентимиз И. Каримовнинг 1994 йилда Японияга қилган расмий ташрифи икки мамлакат муносабатлари ривожига янгича куч бағишлади. Охирги икки йилнинг ўзида Япониядан 20 дан ортиқ турли делегациялар ташриф буюриб, миллий ассоциациямиз бошқошлигида юртимиз билан яқиндан танишиб кетдилар.

Юртдошларимиз ҳам, ўз навбатида, «Кун чиқар мамлакат»га жавоб ташрифлари билан бориб турибдилар. Кейинги йилларда турли шаҳарларда тўрт марта Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилди. Уларда «Лазги», «Баҳор» халқ ашула ва рақс дасталари, фольклор гуруҳлари, халқ ҳунармандлари муваффақият билан иштирок этиб, япон халқини хушнуд этдилар. Турли кўргазмалар ташкил қилинди, фильмлар намойиш этилди.

**Суннат ШЕРОВ,**
**Исроил ШАМСИМУХАМЕДОВ,**
**«Жаҳон» ахборот агентлиги.**

*Миллат ва маънавият*

# ҲАЁ

**Энг гўзал инсоний туйғу, ТошДУ журналистика факультети 3-курс талабаларининг давра суҳбати ва муаллиф мулоҳазалари кенг газетхонларни баҳсига, мунозарага чорлайди**

## ИМОН ШУЪЛАСИ

МУЛОҲАЗА — **Инсонни бошқа барча жондорларга қараганда олий мартабалар сари юксалтирувчи майллардан бири — покланиш туйғуси. Ҳаётий тажриба, маданий турмуш тарзи, озодалик ҳиссидан келиб чиқувчи тана поклигининг ўзи ҳикмат. Руҳий, ботиний оламни покловчи туйғулар ҳам беҳисоб. Тавба, пушаймонлик, ўз-ўзини руҳий тафтиш этиш истаги инсонийлик мартабасини чандон улуғлайди. Ҳам жисман, ҳам руҳан покланиш инсонни улуғлабгина қолмай, унинг гўзаллигига гўзаллик қўшади. Бундай гўзаллик мақомига кўтарилган инсон кўз ўнгида олам гўзаллашади, яшаш завқи ортади.**

**Инсонни азизу мукаррам зотлигини таъминловчи беназир туйғулардан яна бири — ҳаё! Аллоҳ таоло ер юзидаги барча жонзотлар орасида инсонни мўътабар қилиб яратди ва шу мўътабарлик мақомига кўтарилмоғи учун унга ҳаё туйғусини ато этди. Табиий, одам аввало ташқи қиёфаси, энгил-боши, юриш-туриши, гап-сўзи билан бошқалардан ажралиб туради, ўзгалар назарига тушади, лекин буларнинг ҳеч бири ҳаё туйғусининг гўзаллиги билан иззат-икром топишга тенг келмайди.**

**Ҳаё туйғуси, унинг сир-асрори, фалсафаси, шахсий-ижтимоий ҳаётдаги ўрни одамларни ўйлатади, адоқсиз мунозара-мушоҳадалар дарёсига ғарқ қилади, баҳсларга чорлайди.**

***Шерзод ЭРГАШЕВ*** — Ҳаё — кишининг ор-номуси, бошқалар орасида ўзини тута билиш назокати.

***Зафар ОМОНҚУЛОВ*** — Ҳаё инсонни ўз хатти-ҳаракатларини четдан кузатишга ундовчи куч. Ҳаё — ҳар бир кишининг ўз виждони олдида жавоб беришидир. Ҳар бир одам қаерда, қандай ҳолатда бўлмасин ўзгалар назаридан четда қололмайди. Банданинг кўзидан пинҳон қолган жойда Худонинг назари бўлади. Ҳаё ана шу ўзга назарнинг мавжудлигини, мазкур назар ҳар бир одамни умрбод таъқиб этишини мудом ёдга солиб туради.

***Камолиддин АЛИОХУНОВ*** — Инсон улғайгани сайин жамият ҳаётида фаол иштирок эта боради. Кўпчилик билан мулоқотга киришади. Жамоатчилик орасида ўзини тута билишнинг шартлари кўп, лекин ҳаё бу борада жуда катта аҳамиятга эга. Ҳатто, одам ҳаёсига кўра жамиятда ўз ўрнини эгаллайди, топади.

***Наргиза РАҲИМОВА*** — Ҳаё — инсоний, гўзал фазилатлардан бири. Уни кўпроқ қизларга нисбатан тилга олишади. Чунки, қиз болани, умуман, аёл кишини улуғловчи ҳаё туйғуси жуда-жуда сеҳрли, мўъжизакор бир куч! Уйдами, кўчадами, қаерда бўлмасин...

***Моҳидил ШАМСИДДИНОВА*** — Ҳар ерда керак! Ҳамон инсонийликнинг бош белгиси экан, қаердаки одам бор экан — ўша ерда ҳаё ҳам бор!

***Зафар ОМОНҚУЛОВ*** — Чунки, одам бор жойда имон бор. Ҳаё эса имондандир!

МУЛОҲАЗА — **«Ҳаё имондандир» деган ҳадис бор. Имон — инсонийлик гултожи. Имон чўққисига ҳаё поғоналаридан чиқиб борилади. Пиллапоясиз нарвондан юқорига кўтарилиб бўлмаганидек, ҳаёдан бебаҳра қалбнинг имон нуридан баҳра олиши маҳол.**

**Ҳаё — туғма фазилат, фақат умри мобайнида кимдир уни тоблайди, бойитади, кимдир уни йўқотади, бой беради. Шу боис муҳитда гап кўп. Норасида гўдак қандай оилада улғайди, қандайин инсоний қадриятлар эъзозланган кишилар қуршовида яшади, ҳаётнинг қанақанги паст-баландликларига рўпара келди — буларнинг бари болада ҳаё туйғусининг шаклланишига таъсир кўрсатади.**

***Саломат РЕЙИМБОЕВА*** — Ҳаё «маданият» тушунчасига яқин. Ҳар бир одам маълум даражада маданиятли бўлишга ҳаракат қилади. Маданиятсиз одам жамоатчилик орасида эмин-эркин яшай олмайди, яшаса-да, қийналади.

***Зафар ОМОНҚУЛОВ*** — Узининг маданиятсизлигидан қийналадиган одам кам. Чунки, ҳар ким ўзининг маданияти даржасида фикрлайди. Маданиятсизлигидан хижолат чекиши учун ҳам ҳаё бўлмоғи керак. Ҳаёсиз одам хижолат чекмайди.

***Ғайрат ЮСУПОВ*** — Наргизахон ҳаё кўпроқ қизларга хос туйғу, деган тушунча борлигини эслатдилар. Ҳаё йигитлар учун ҳам бегона эмас. Ҳамонки, ҳаё инсонийлик кўрки экан, жинсидан, лавозимию бошқасидан қатъи назар, ҳар қандай одамни шарафлайди.

***Барно ИСОҚОВА*** — Ҳаё ҳақида гапирганда, инсон қалбидаги бошқа туйғуларни ҳам тилга олишга тўғри келади. Масалан, тортинчоқлик, уялиш, иффат, ор-номус, андиша — буларнинг бари маълум маънода ҳаёнинг кўринишлари. Бошқача айтганда, ҳаёга «қўшни» майллар.

ЛУҚМА — **Буларнинг барини Саломатхон айтган «маданият» сўзи билан ифодалаш мумкиндир балки?**

***Зоҳид ЁҚУБОВ*** — Уйлаб кўриш керак...

## ЎЗБЕКОНА НАЗОКАТ ГУЛТОЖИ

МУЛОҲАЗА — **Маданият инсон табиатидаги барча фазилатларни қамраб олувчи умумлашма сўз. Атама даражасига кўтарилган сўз!**

**Тўғри, маданият Барно Исоқова санаб ўтган туйғулардан ташкил топади, лекин маданият анча кенг ва умумийроқ тушунча. Қолаверса, маданият — кишилик жамиятининг ривожланиши асносида одамлар томонидан ишлаб чиқилган, сайқал берилган муносабат-мулоқот қоидалари мажмуаси. Шу маънода маданият асосан ташқи ҳодиса. Ор-номус, андиша, шарм-ҳаё, иффат эса ички-ботиний туйғулар. Улар инсонга Аллоҳ таоло томонидан ато этилган. Андишали одам андишасизлик қилиши қийин, ҳаёли инсон ҳаёсизлик кўчасига йўламайди. Бундай туйғулар у ёки бу даражада ҳаммада кузатилади. Муҳими ° ҳар ким ўзида, феълида ана шундай эзгу туйғулар мавжудлигини ҳис қилмоғи зарур! Яъни, Аллоҳ таоло ҳар биримизни эзгулик гули билан баҳраманд этган, уни чамандек яшнатиш, кўпайтириш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ.**

***Фахриддин КАРИМОВ*** — Одамда, айниқса, ёшларда гўзал фазилатларнинг кўпайишига тўсқинлик қиладиган кучлар ҳам истаганча топилади. Мен, давр ўзгаришлари ва муҳит таъсирини назарда тутяпман. Жамиятимизда бозор муносабатлари шаклланиши билан мутлақо янгича кишилар пайдо бўла бошлади. Одамларда қадр-киммат, меҳр-оқибат тушунчаси ўзгариб кетди.

***Камолиддин АЛИОХУНОВ*** — Фахриддин бозор одамлари мисолида гап очди. Тўғри, бозорда турли тоифа кишиларни учратиш мумкин. Ёш йигит-қизлар ҳам талайгина. Тошкент Отчопарини айланинглар, Чорсу бозорини аралангилар — қулоққа қанақанги гап-сўзлар чалинмайди дейсиз!

ЛУҚМА — **Бозордан чиққач, қулоқни чайиб ташлашга тўғри келади!**

***Зафар ОМОНҚУЛОВ*** — Бозорда бирдан-бир мақсад пул топиш! Одамларни бошқаси қизиқтирмайди.

***Камолиддин АЛИОХУНОВ*** — Инкор этмайман, лекин пул топиш учун ҳаёни, одобни унутиш, баҳридан ўтиш керакми?! Бозорнинг одоби йўқми? Ёки бозорда одобсизликка йўл қўйилаверадими?!

***Наргиза РАҲИМОВА*** — Ён-верида аёл-қизлар борлигини кўра-била туриб оғзига келганини қайтармаслик билан тижорат қилиш йўлини тутганлар уйида, бошқа жойларда тилини тия оларmикан?

ЛУҚМА — **Уйда — ҳаёли, бозорда — ҳаёсиз! Ким билиб ўтирибди?!**

***Акмал ҚЎЧҚОРОВ*** — Нега энди ҳеч ким билмас экан?! Ҳаёсизлик одамнинг нуқсига уради. Куни бўйи бозорда, ё кўча-кўйда шармсизлик ниқобини бетига тортиб юрган кимса уйига бориб уни ечиб қўя олмайди. Оила аъзоларига, аёл-қизларига нуқси уради ўша ҳаёсизликнинг. Ҳаёсизлик ҳам кенг тушунча, шу маънода.

***Камолиддин АЛИОХУНОВ*** — Мен харидорлар билан муносабатни кўпроқ назарда тутган эдим. Ёш ўсмир йигит ёки бўйи етган кўркамгина қиз оғзидаги живачкасини чапиллатиб, «Олмасангиз йўлингиздан қолманг!», «Пулиз бўлмаса — бозорда пишириб қўйибдими?!», қабилида муомала қилиши ҳам бориб турган ҳаёсизлик!

***Зафар ОМОНҚУЛОВ*** — Масалани, «Хозирги кунда ҳаё туйғуси одамларга қанчалик зарур?» деган қабилда кўндаланг қўйилса кўп жумбоқларга ойдинлик киритиш мумкин бўлур эди. Ҳозир манфаат биринчи ўринга чиқди. Ким, қаерда бўлмасин бирор манфаатни кўзлаб туради. Манфаатга эришиш йўлида одамлар ҳеч нарсадан тап тортмайдиган бўлиб қоляпти. Бу аҳволда, назаримда, ҳаё туйғусини ҳис этиш унутилиб, одамлар назаридан қолаётганга ўхшайди.



***Саломат РЕЙИМБОЕВА*** — Фақатгина ҳаё эмас, маданият назардан қолаётгандек. Бозорга турли миллат вакиллари боради. Одам бундай кўп йиғиладиган жойларда умуминсоний талаблар даражасига кўтарилган маданий қадриятларга риоя қилишга тўғри келади. Ким билади дейсиз, биз баҳслашаётган, фикрлашаётган ҳаё, одоб туйғулари бозорда, хусусан, тижорат ишларида қўл келмас. Агар шундай бўлса, ҳамма халқларга хос ва муштарак бўлган ўзаро муносабат маданиятини тарбиялаш тўғри бўлмасмикан?..

МУЛОҲАЗА — **Ўн тўрт ёшли Қаюмжон ўқишдан бўш вақтлари бозорга бориб, отасига ёрдамлаша бошлади. Табиий, савдо-сотиққа, турфа хил харидорлар билан отасининг жавоб-муомаласига гувоҳ бўлди. Кунлардан бир куни...**

**— Олинг, арзон бераман, ака, ўғлингиз қишиминан мириқиб кияди, — деди отаси мўйсафид кишига болалар этигини мақтаб.**

**Мўйсафид киши этикни кўздан кечирди. Отаси тинмай этикни мақташда давом этди. Катталар гапига Қаюмжон қандай аралашганини ўзи билмай қолди.**

**— Ада, у этикни чарми кўчгану! — деб юборди.**

**Отаси ханг-манг бўлиб сўзини йўқотиб қўйди, мўйсафид киши «ялт» этиб Қаюмжонга қаради, сўнг этикнинг тагчармига кўз югуртирди. Савдо бузилди.**

**Мўйсафид киши нари кетгач, воқеани кузатиб турган онаси Қаюмжонга танбеҳ беришга киришди. Қаюмжон лом-мим демади, аҳён-аҳёнда бошини кўтариб отасига кўз қирини ташлаб қўяр, уятдан, хижолатдан лов-лов ёниб, қизариб кетган бетини тинмай артар эди.**

**— Отанг этик чарми кўчганини кўрмаганлар-да! — деди онаси.**

**Қаюмжон яна болалигига борди.**

**— Уйда кўргандилар. Халтага жойлаётиб кўрган эдилар...**

**Мазкур ҳодисада ҳам ҳаё ва ҳалоллик тижорат учун бегона эмаслиги кўриниб турибди. Ота, эҳтимол, қаердандир сотиб олиб келтирган этикнинг «брак»лигини кейин пайқагану, уни арзонгаров бўлса-да, сотишдан ўзга чораси қолмаган. Бироқ, Қаюмжоннинг «болалиги» туфайли ундаги ҳаё туйғуси кўз очди. Унинг қизариши, тер қуйиб, индамай қолиши шундан далолат бермоқда.**

**Кўринадики, ҳаё туйғусининг уйғониши учун фавқулодда катта куч шарт эмас. Ҳатто тижоратчи бўлган, кўпчиликнинг назарида инсофни пулга чақувчи бозорчи ота ҳам ёшгина ўғли туфайли инсофни эслади. Дарҳақиқат, барча эзгу туйғулар қатори ҳаё туйғуси ҳам тижорат учун ёт эмас. Олди-сотди ўртасида барча нарса унутилиши мумкин, лекин имонни унутиш асло ножоиз! Имон посанги бўлмаган тижоратдан барака қочади. Бебарака даромад эгасига юқмайди. Демак, қут-барака ҳам ҳаё билан зеболанмоғи керак, акс ҳолда ҳаё «назорати» остида пишмаган савдо кетидан келадиган ғавғо оқибати оғир кечади.**

**Ҳаё — ботиний-руҳий ҳодиса сифатида инсон руҳий дунёсини поклаш билан бирга унинг теварак-атрофдагилар билан муносабатини яхшилашга хизмат қилади. Ҳаёсизлик — ҳаё йўқ дегани эмас, ҳаёсизликка кўникиш демакдир! Зеро, бир марта ҳаёсизликка йўл қўйган одам учун ҳар қандай ярамас одат оддий ҳолга айланади.**

**Ҳаё инсон «мен»и билан уйғун равишда шаклланади, шаклланганi сайин барқ уриб очилган гул мисол ўз соҳибини ўзгалар олдида кўз-кўз қилади.**

**Умуминсоний маданият бор, тўғри, лекин нозик туйғуларнинг муайян миллатга хослиги яққол сезилади. Ҳаё ° шарқона, ўзбекона туйғу! Ўзбекона маданиятнинг ажралмас қисми. Ўзбекона назокат гултожи!**

## УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТГА ТАТИГУЛИК!

***Саломат РЕЙИМБОЕВА*** — Ғарб кишиларида ҳаё йўқ, деган гапга қўшилолмайман. Мисол учун руслар «севаман» деган иқрор маъносида баъзан «жалею» деган сўзни ишлатади. Ёки бўлмаса «Евгений Онегин»даги Татьяна қандайин иболи!...

***Зафар ОМОНҚУЛОВ*** - «Ибо, ҳаё» деганда шахсан Кумушбибидаги иффат ва назокат кўз ўнгимга келади. «Сиз, ўшами?..» деган савол соф ўзбекона ибодан келиб чиққан. Бошқа бирор миллатда қиз ё келин йигитга ёки куёвга шу қабилда мурожаат қилмаса керак!

***Барно ИСОҚОВА*** — Биз ҳар қанча миллий туйғуларимизни улуғламайлик ўзга миллат қадриятларига тил теккизмаслигимиз керак. Ҳаёли одам бошқаларни ҳаёсизга чиқаришдан эҳтиёт бўлгани маъқул.

***Зафар ОМОНҚУЛОВ*** — Барнохон! Менинг зинҳор Саломатхоннинг мулоҳазаларини рад этиш ниятим йўқ. Турли муҳитда яшаётган турли миллат кишиларида маълум даражада ҳаё туйғуси бўлмай иложи йўқ. Лекин биз ўзимизда шаклланган одоб нуқтаи назаридан баҳолайдиган бўлсак, дейлик, Дания аҳолисининг ярмидан кўпи эркин никоҳ асосида яшашини маъқуллай олмаймиз. СПИД ниманинг оқибати? Ҳаёсизликнинг!

***Тўйчи РЎЗИБОЕВ*** — Ҳамма гап бошқа халқлар назарида оддий ҳолга айланган ярамас одатларни кўр-кўрона ўзлаштирмасликда! Тақлидга берилиш шунинг учун ҳам хатарлики, ўзга халқларни таназзулга дучор қилган одатларни кўр-кўрона «кўчириб» келтиришга йўл қўйилади, оқибатда, олиб келинган «қадрият» яроқсизлиги етмаганидай миллий-маҳаллий анъаналар ғорат қилинади.

МУЛОҲАЗА — **Тақлид нечоғли табиий бўлмасин, унинг замирида ожизлик ва заифлик яшириниб ётади. Хусусан, миллий анъаналар ва халқона қадриятларни замонга ҳамнафас ҳолда бойита боришда «Урҳо-ур!»чилик кетмайди. Ўзбек миллий тафаккури, орияти ва нафсонияти ҳикматларга, беназир эзгуликларга бойлиги билан дунёда энг қудратли миллий маданиятлар сафида туради. Ўзбекнинг нафсонияти ўзлигини англаган комил шахс «мен»ида бўлганидек эргашувчан эмас, балки эргаштирувчи, ҳавасларни келтирувчи нафсониятдир!**

**Америкалик ватандошлар билан Тошкентдаги учрашув турли мавзуда борди.**

**— Яшаш шароитимиз яхши, ҳеч камчилигимиз йўқ, — деди меҳмонлар гуруҳининг раҳбари. — Еганимиз — олдимизда, емаганимиз — ортимизда. Лекин фарзандларимизнинг тарбиясини ўйлаб ташвишланамиз. Улар катталарга ҳурмат, бошқалар олдида ҳаёли, иффатли юриш-туриш одатларимиздан узоқлашиб кетмоқда. Биз ҳар қанча маблағ сарфласак-да, ўғил-қизларимиз Ўзбекистондаги ўзбекона удумлар, одатларни, муомала гўзаллигини ўзлаштирсалар деган орзудамиз.**

**Бу сўзларда ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати кўринмоқда. Моддий жиҳатдан ҳарчанд бадавлат бўлиб кетиш ҳам маънавий комиллик ўрнини босолмаслигини, тўқликдан келиб чиқадиган бепарволик одамларни яна ва яна соф ўзбекона қадриятларни излашга мажбур қилишини кўриб турибмиз.**

**Шу ва шу каби ҳодисаларни эслаганда, «Ўзбек миллати умуминсоний қадриятлар хазинасини нима билан бойитиши мумкин?» деган савол туғилади ва «Энг аввало ҳаё туйғуси билан!» деб жавоб бераман. Шу туйғуни ўзлаштириш ниятида ўзбекка тақлид қилувчи халқлар кўпайса, бундай тақлидчиликни қутламоқ керак, бундай тақлидчиликдан фахрланмоқ керак! Бордию, бошқа халқларда ўзбекона шарм-ҳаё, фаросат, орият сингари илоҳий фазилатлардан устун келадиган одоб-назокат туйғулари топилса улардан баҳраманд бўлмоқ ҳам шараф!**

## БУНДАЙ ХАЛҚ ЕНГИЛМАЙДИ!

***Фахриддин КАРИМОВ*** — Энг қудратли одам ўзидаги иллатларни енга олган одамдир. Ўзини енга олиш учун эса ўзини бошқара билмоқ зарур. Муттаҳамлик, юзсизлик, қинғирлик, порахўрлик, кибри ҳаво каби худбинона иллат ва қусурлардан сақланмоқ, феълдаги бундайин нуқсонларни йўқотиш муттасил курашни тақозо этади. Худди шу ўринда ҳаё ёрдамга келади. Уз ҳаёсига қулоқ сола олган одам ўзини бошқара олади.

ЛУҚМА — **Бундан чиқди, ҳаё чекловчи, эркни бўғувчи туйғу ҳам экан-да?!**

***Барно ИСОҚОВА*** — Бу гапда қисман жон бор. Андиша, тортинчоқлик, камсуқумлик каби туйғуларда ҳам ҳаё намоён бўлади. Лекин буни мутлақо эркни бўғувчи куч деб талқин қилиш тўғри эмас.

***Саломат РЕЙИМБОЕВА*** — Камсуқумлик, тортинчоқлик, андишавозликни итоаткорликдан фарқлай билиш керак. Андиша — қўрқоқлик эмас. Шарм-ҳаё ҳам бошқа ҳодиса. Мисол учун, Ғарбда одамларнинг қандай кийиниши унинг маданияти, ҳаёсини белгиламайди. Биз мунозара қилаётган туйғу ҳар бир одамнинг инсонийлик фазилатлари бўлиб қолгани ҳолда, касб соҳасида кўзланган самарага эришиш йўлида тўсқинлик қилмайди.

***Наргиза РАҲИМОВА*** — Шарқда эса ҳаё кўз қарашларидан, муомаладан, кийинишдан, қадам олишларидан бошланади...

МУЛОҲАЗА — **Бундан 30 йил муқаддам Абдулла Қаҳҳорнинг «Уят» деб номланган мақоласи шов-шув бўлган, жамоатчиликни ҳушёрликка чақирган эди. Атоқли адиб уят туйғусининг инсон одобидаги, унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни-аҳамияти ҳақида куюниб ёзган эди.**

**Халқ ўз табиатидаги энг эзгу фазилатларини буткул унутиб юбормайди, бироқ, турмуш тўлқинлари баъзан шундай безовта мавжланадики, ўткинчи тўфонлар тало-тўпида у ёки бу гавҳар дурлари кўздан йироқлашади. Талаба ёшларнинг куюнганича бор, кундалик турмушимизда манфаат илинжи, нафс балоси гўзал инсоний қадриятлардан устун келаётгандек манзаралар учрайди. Шундай кезларда халқ даҳоси тинч ётмайди, у руҳий мувозанатни тиклаш йўлларини шаксиз топади.**

**Моддиюнчи Нитше фалсафасида инсоният тараққиётига тўғаноқ бўладиган ҳар қандай эзгуликлардан воз кечмоқ керак, деган таълимот бор. Руҳоний Достоевский ўз асарларида кўз ёши эвазига эришиладиган ҳар қандай тараққиётдан юз ўгиришга даъват этади. Бундай қарашлар турли замонларда, турли халқлар ҳаётида долзарб муаммо сифатида қалқиб чиқиб турган. Мустабит ҳаётдан мустақиллик сари илгарилаётган Ўзбекистон маълум маънода шундай жараёнларни бошдан кечирмоқда. Бир қарашда бозор муносабатлари ғарбона манфаатпарастлик, нитшеона кўр-кўрона тараққиётпарастлик майилларини авж олдираётгандек туюлади. Аммо-лекин шарқона қадриятлар, миллий анъаналар, эътиқод устиворлиги эзгу туйғулар топталишига йўл қўймайди. Ўзликни сақлаган ҳолда тараққиётни кўзлаш сиёсати ва тизимлари ана шундан далолат беради. Республикада тараққиётнинг босқичма-босқич йўли танланаётгани, юртбошимиз ҳар жабҳада маънавий баркамоллик ва маърифий соғломликка даъват этаётгани, кишиларимиз тафаккури янгиланган ҳолда энг олижаноб ҳислатлар унутилишига асло йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидлаётгани ўзбек халқининг, Ўзбекистоннинг ҳозирги дунё ҳамжамияти миқёсларига татигулик тажриба, анъана ва қадриятлари кўплигини намоён қилмоқда. «Агар бозор етим-есирларнинг, қариялар ва камбағал-ночор одамларнинг кўз ёши эвазига қуриладиган бўлса, бунақа бозорнинг уйи куйсин, — деган эди Президент И. Каримов. — Бозор иқтисодиёти деб инсон маънавиятини унутиш гуноҳ бўлади. Нуқул пул ва фойда кетидан қувсакда, аммо одамларимиз руҳан қашшоқ бўлиб қолишса — бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ».**

**Мустақилликнинг биринчи йилида белгилаб олинган ушбу йўл ўзгаргани йўқ, аксинча, вақт ўтгани сайин ўша қарашлар узлуксиз ривожлантирилмоқда, моҳият сари чуқурлаштирилмоқда. Маънавий баркамоллик, инсон тарбиясини янада яхшилашга қаратилган фармонлар, амалий саъй-ҳаракатлар чинакам инсонпарвар сиёсатнинг ёрқин намунасига айланмоқда. Булардан шундай ҳулоса келиб чиқадики, ҳаё билан нурланган маънавий баркамоллик туйғуси тараққиётга интилишни эмас, балки тараққиётга тўсқинлик қилаётган иллатларни чеклайди, одамларни ёвузликлардан ҳалос этиб, эзгулик кўчасига етаклайди.**

***Азамат ОТАЖОНОВ*** — Ҳаё ҳам маънавий етукликнинг бош белгиси. Бундай туйғу тўсатдан ё қисқа муддатда пайдо бўлиб қолмайди.

***Зафар ОМОНҚУЛОВ*** — Ҳаёдек илоҳий, олижаноб ва гўзал туйғунинг вужуд-вужудга сингиб кетганининг, миллатнинг етук фазилатларидан бирига айланганининг ўзиёқ халқ ўтмишининг нақадар қўҳналигидан далолат беради. Бундай халқ айнимайди, ўзлигини йўқотмайди.

***Дилшод ИБРОҲИМОВ*** — Шунинг учун ҳам ҳар қандай йигит ўз умр йўлдошининг аввало ҳаёли бўлишини орзу қилади.

МУЛОҲАЗА — **Ҳаёли қизлар билан турмуш қуриш ° ҳаёни эъзозлаш, ҳаёни ардоқлаш демакдир. Ҳаёли оила қуриш истаги билан яшаётган халқнинг келажаги порлоқ бўлади. Ҳаёли келин билан оилага нур келади. Ундан туғилажак ўғил-қизлар миллатнинг, ватаннинг фахрига айланади. Наполеон айтмоқчи, эркаклари мард ва жасур, аёл-қизлари иффатли ва ҳаёли халқни ҳеч ким, ҳеч қандай куч енга олмайди.**

**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД**

***

***ТАҲРИРИЯТДАН.** Ушбу суҳбат-мақолада кўпчиликнинг дилида ва тилининг учида турган мавзудан баҳс очилди. Табиий, бир мақолада шарм-ҳаё, иффат-орият туйғусини тўлалигича қамраб олиш қийин. Зеро, бу мавзу хусусида ҳар кимнинг ўйлагани, қарашлари, билган-кўргани бор. Ҳаётий мисоллар ҳам истаганча топилади. Ота ва фарзанд, ўқувчи ва мактаб, талаба ва институт, шахс ва жамият ўртасидаги муносабатларда ҳаё туйғуси нечоғли аҳамият касб этмоқда? Жамоа ҳаёси, одамларнинг ватан, миллат олдидаги бурчи ва ҳаёси нималарда акс этмоқда? Ҳаё туйғуси бевосита истиқлолимиз тараққиётига қандай салмоқли ҳисса қўшмоғи зарур?*

*Шунга ўхшаш кўплаб саволлар каттаю ёшни, эркагу аёлни — ҳамма-ҳаммани фикр айтишга, ўз мулоҳаза ва таклифларини ўртоқлашишга даъват этади.*

## ҲИКМАТЛАР

*Ҳаё имондандир. Ҳаё жаннатга элтади.*

*Ҳаё билан имон бир-бирига боғлиқ. Бири кетса иккинчиси кетади.*

**Ҳадисдан.**

*Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,*
*Лек шараф келди ҳаёву адаб.*

**Алишер Навоий.**

*Бизнинг хотинларга ҳаё фазилат.*

**Ғафур Ғулом.**

*Қонун таъқиқ этолмаган нарсаларни гоҳо номус таъқиқлай олади.*

**Сенека.**

*Одамйнг маънавий камолотда қай поғонага кўтарилганини нимадан уялиши ва уялмаслигидек аниқ кўрсатиб берадиган нарса йўқ.*

**Лев Толстой.**

*Уятдан қизариш — яхшилик либоси.*

**Фрэнсис Бэкон.**

*Ҳаё — инсон қалбининг энг жўшқин эҳтироси бўлмиш севгининг онасидир.*

**Стендаль.**

*Одамлар ўз одатларига айланган ҳеч қандай кўникмалардан ҳижолат чекмайдилар.*

**Вольтер.**

